



**БЮДЖЕТНИ НОМАРКАЗЛАШТИРИШНИНГ ХУДУДЛАР
БЮДЖЕТЛАРИ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ БИЛАН ЎЗАРО
АЛОҚАДОРЛИГИ**

Шарипов Аброр Комилович

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви
академияси мустақил изланувчиси**

**RELATIONSHIP OF BUDGET DECENTRALIZATION WITH FINANCIAL
INDEPENDENCE OF REGIONAL BUDGETS**

Sharipov Abror Komilovich

**Independent student of the Academy of Public Administration under the
President of the Republic of Uzbekistan**

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган бюджет соҳасидаги ислохотларнинг, хусусан бюджетни номарказлаштиришнинг маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллиги билан ўзаро алоқадорлигига оид назарий қарашлар баён этилган.

Abstract. This article describes the theoretical views on the interrelationship of budget reforms implemented in Uzbekistan, in particular budget decentralization, with the financial independence of local budgets.

Аннотация. В данной статье изложены теоретические взгляды на взаимосвязь проводимых в Узбекистане бюджетных реформ, в частности бюджетной децентрализации, с финансовой самостоятельностью местных бюджетов.

Калит сўзлар. Маҳаллий бюджет, бюджетни номарказлаштириш. иқтисодий ўсиш, маҳаллий бюджет молиявий мустақиллиги.

Key words. Local budget, budget decentralization. economic growth,



financial independence of the local budget.

Ключевые слова. Местный бюджет, бюджетная децентрализация. экономический рост, финансовая независимость местного бюджета.

Кириш.

Худудларини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш, мамлакат минтақаларининг мавжуд табиий-хомашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва фаравонлигини изчил ошириб бориш, шунингдек маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет даромадларини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Иқтисодиётнинг ҳозирги

ривожланиш босқичида молиявий барқарорликни, иқтисодий салоҳиятни, мамлакатлар худудлари маҳаллий бюджетлари даромадларининг зарур даражасини таъминлай оладиган самарали худудий солиқ сиёсатини шакллантириш масалалари долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан “Ҳаётнинг ўзи ва ўтган йиллар тажрибаси худудларни комплекс ривожлантиришни ва инфратузилма фаолиятини тубдан ўзгартиришни таъминлаш..., туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболли вазифаларни амалга ошириш юзасидан ҳокимлик ва тармоқларни бошқариш органларининг куч ва ҳаракатини аниқ мувофиқлаштириш”¹ лозимлиги таъкидланди.

¹Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар

фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.21-бет.



Давлат бошқарувини номарказлаштириш жараёнини давом эттириш жойларда давлат сиёсатини амалга оширишда ҳокимиятнинг маҳаллий ва ҳудудий органлари жавобгарлигини оширишга, давлат бошқарувидаги республика органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, давлат ҳокимияти вилоят органлари ваколатларини туман, шаҳар ҳокимлик органларига босқичма-босқич ўтказишга қаратилмоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг *инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш* бандида халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, **маҳаллий бюджетни шакллантириш** ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш вазифалари белгиланган².

Тадқиқотнинг усул ва услубиёти

Илмий мақолаани нашрга тайёрлаш жараёнида гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, таққослаш усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлиллар ва натижалар

Бюджетни номарказлаштириш борасида ҳудудлар микёсида ўтказилган асосий тадқиқотлар Хитой провинциялари ва Америка штатлари бўйича ўтказилган. Шундан кўринадикки, ушбу икки мамлакатда ўрганиш учун танланган объектларда (АҚШда 50 та штат, Хитойда 28 та провинция) иқтисодий ва бюджет кўрсаткичлари бўйича ҳудудлар хилма-хил бўлиб, узок

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга

мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>



даврга ишончлик статистик маълумотлар мавжуд.

Ушбу ҳудудларда илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчилардан бирининг фикрича: “Хитойда ҳудудий иқтисодий ўсиш билан бюджет харажатлари номарказлаштирилиши даражаси билан салбий алоқадорлик мавжуд”³ ва “1987 йилгша келиб мустақил равишда даромадларни йиғиш билан боғлиқ муносабатлар такомиллаштирилиши натижасида ҳудудлар автономлигини ошириш мақсадида даромадларни бюджет тизими бюджетлари ўртасидаги тақсимлашнинг янги тизими жорий этилиши ижобий алоқадорликка сабаб бўлган. Юқорида қайд этилган икки тадқиқотда панел регрессион таҳлил 1970-1990 йилларда бир хил ораликда қўлланилиб, Хитойда вилоятлар бюджетларининг даромад ва харажатларининг мутаносиблиги

ҳамда иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд, деб хулоса қилинган”⁴.

Бюджетни номарказлаштириш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги алоқадорлик АҚШ штатларида тадқиқ қилинганда, иқтисодчилар қарама қарши хулосаларга келганлар. Жумладан, айрим тадқиқотчилар Давиду Джоу моделидан фойдаланган ҳолда 1948-1994 йилларга оид “узун” вақт қаторлари маълумотларини таҳлил қилиб, бюджет харажатлари номарказлаштириш билан ўсиш ўртасида кучли боғлиқлик йўқлигини исботлаган⁵. Бошқа муаллифлар, панел таҳлил усулидан фойдаланиб, “қисқа” вақт оралиқлари маълумотлар таҳлили, 1997-2001 йиллардаги АҚШ штатлари даражасида даромад ва харажатларнинг номарказлаштирилиши ҳамда

³ Zhang, T., & Zou, H. F. (1998). Fiscal decentralization, public spending, and economic growth in China. *Journal of public economics*, 67(2), 221-240.

⁴ Lin, J. Y., & Liu, Z. (2000). Fiscal decentralization and economic growth in China. *Economic development and cultural change*, 49(1), 1-21.

⁵ Xie, D., Zou, H. F., & Davoodi, H. (1999). Fiscal decentralization and economic growth in the United States. *Journal of Urban economics*, 45(2), 228-239.



иқтисодий ўсиш ўртасида ижобий алоқадорликни илмий асослаган⁶. 1992-1997 йилларда бюджетни номарказлаштириш даражаси ва иқтисодий ўсишнинг номуносиблиги ўртасида салбий боғлиқлик мавжудлиги илгари сурилган⁷.

1985-2004 йилларга оид Испания ҳудудлари маълумотлари таҳлили кўрсатишича, даромадларнинг номарказлаштирилиши ва иқтисодий ўсиш ўртасида кучли ижобий боғлиқлик мавжуд, лекин харажатларнинг номарказлаштирилиши ва ўсиш ўртасида алоқадорлик йўқ⁸.

Юқорида келтирилган дунё давлатларидаги бюджет даромад ва харажатларнинг номарказлаштирилиш ҳамда иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича эмпирик

тадқиқотлардан хулоса қиладиган бўлсак, қайд этиш ўринлики, давлатлар ва ҳудудлар кесимида бюджетни номарказлаштириш ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқнинг йўналиш ҳамда моҳиятида қарама қаршилик мавжуд. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вилоят, туман, шаҳар бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари шахсий ғазна ҳисобварақларида туради, олиб қўйилмайди ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига кўра сарфланади.

Солиқларнинг умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлиниши ҳукумат идораларининг республика Ҳукумат ва маҳаллий ҳукуматларга бўлиниш хусусиятидан келиб чиқади. Ҳар бир ҳокимият идоралари ўзларининг бажарадиган муҳим вазифаларидан келиб чикиб, ўз

⁶ Akai, N., & Sakata, M. (2002). Fiscal decentralization contributes to economic growth: evidence from state-level cross-section data for the United States. *Journal of urban economics*, 52(1), 93-108.

⁷ Akai, N., Hosoi, M., & Nishimura, Y. (2009). Fiscal decentralization and economic volatility: evidence from

state-level cross-section data of the USA. *The Japanese Economic Review*, 60(2), 223-235.

⁸ Cantarero, D., & Gonzalez, P. P. (2009). Fiscal decentralization and economic growth: Evidence from Spanish regions. *Public Budgeting & Finance*, 29(4), 24-44.



бюджетига ва уни таъминлайдиган солиқларга эга бўлишини тақозо этади.

Илмий изланишда солиқларни бюджет тизими бюджетларига бириктирилишида аҳоли сони, аҳоли зичлиги ва солиқ тўловчилар сонидан келиб чиқиб амалга оширилиши аниқланди. Қайд этиб ўтилган ушбу мезонлар асосида куйи турувчи бюджетларнинг даромадлари харажатларини қоплашга етмайдиган ҳолатларда, шунингдек, республика бўйича давлат томонидан ижтимоий неъматларнинг бир хил таъминлашга эришиш нуқтаи назаридан бюджетлараро мутаносибликни таъминлаш дастакларидан фойдаланилади.

Дунё амалиётида бир бюджет бўғинидан иккинчи бюджет бўғинига маблағларни ўтказишда икки хил варианты мавжуд:

– бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларни улушли бўлиш;

– грантлар тизими.

Маҳаллий бюджетлар солиқли ва бошқа даромадлари аниқ белгиланди.

Маҳаллий бюджетлар солиқли тушумлари белгилаб қўйилди. Солиқларни ундириш билан бирга, солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, ўз ҳудуди бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларни тақдим этиш ҳам муҳим ҳисобланади.



Маҳаллий бюджетлар даромад манбалари⁹

Туман маҳаллий бюджети	Қорақалпоғистон Республика ва вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари
<p>1. Жисмоний шахслар олинадиган мол-мулк солиғи;</p> <p>2. Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;</p> <p>3. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;</p> <p>4. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан солиқ мустасно;</p> <p>5. Қурилиш материаллари бўйича ер қарбидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемен хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно.</p>	<p>1. Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;</p> <p>2. Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;</p> <p>3. Электр станциялари томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;</p> <p>4. Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;</p> <p>5. Айланмадан солиқ;</p> <p>6. Давлат божлари (патент ва лицензия берганлик учун божлардан ташқари);</p> <p>7. Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;</p> <p>8. Айрим товарларнинг чакана савдосига бериладиган ҳуқуқ учун ундириладиган йиғимлар;</p> <p>9. Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);</p> <p>10. Автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар;</p> <p>11. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулк, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг активлари бўйича ажратмалар ва дивидендлар;</p> <p>12. Давлат активларини ижарага бериш ва хусусийлаштиришдан тушадиган даромадлар;</p> <p>13. Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар тегишли равишда 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ.</p>

⁹ Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-589-сон Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2019 й., 03/19/589/4126-сон) асосида муаллиф ишланмаси.



Шундан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзларни тақдим этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Қарори қабул қилинган эди. Лекин ушбу ҳужжатда белгиланган нормалар амалиётда ўз аксини топмади. Сабаби, солиқлар бўйича имтиёзлар қуйидаги ҳолларда берилиши белгиланган. Агар:

худуднинг бюджети юқори турувчи бюджетдан дотация олмаганда ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тегишли бюджетнинг дотация олишига сабаб бўлмаганда;

худуднинг маҳаллий бюджети харажатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида қарорларида назарда тутилган тадбирлар молиялаштирилиши тўлиқ таъминланганда;

муайян солиқ бўйича имтиёзлар бериш натижасида тегишли бюджетга тушум тушмаслиги мумкин бўлган даромадлар (йўқотишлар) суммаси бошқа манбалар бўйича қўшимча тушумлар ҳисобига қопланганда;

мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар берилган объектлар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкалари майдони доирасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганда;

солиқ тўловчида бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаганда¹⁰.

Хулоса

Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 281-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 467-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 09/18/384/1266-сон



шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича солиқларни тўлаш муддатларини узайтириш ваколатини бериш таклиф этилди. Бунда солиқ муддатларини узайтириш:

– солиқлар, пенялар ва жарималар бўйича қарздорликнинг бир марталик тўловчи юридик шахслар бўлган солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ночорликка олиб келган ҳолларда;

– солиқ тўловчининг ишлаб чиқариш ёки товар ва хизматлар реализацияси мавсумий характерга эга бўлган ҳолларда;

– иқлим ўзгаришидан келиб чиқиб, солиқ тўловчига табиий офат, технологик фалокат натижасида юридик шахс фаолияти зарарга кирган ҳолларда¹¹.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўловчиларга солиқларни тўлаш муддати бир ойдан йигирма тўрт

ойгача узайтиради. Бунда солиқ қарздорлигининг умумий суммасига ёки унинг бир қисмига (масалан, муайян санага ҳисобланган суммага) ёки келгусида юзага келадиган солиқ қарздорлигига нисбатан; бир солиқ ёки солиқларнинг бир нечта турлари бўйича узайтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Иқлим ўзгариши натижасида об-ҳавонинг ноқулайлиги ҳам солиқ тўловчиларга мажбуриятларни бажара олишига ҳалақит қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, солиқ тўловчи технологик ҳалокат ёки енгиб бўлмайдиган бошқа ҳолатлари натижасида зарар кўрганда, уларнинг солиқ тўловлари муддатларини узайтириш солиқларнинг ижтимоий адолатлилик тамойилига мос келади. Мазкур ҳолатлар бўйича солиқларни тўлаш муддати узайтирилишида – табиий офатлар, технологик ҳалокат ёки енгиб бўлмайдиган кучнинг бошқа ҳолатлар натижасида солиқ

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 ноябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини

узайтириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида" 951-сон Қарори. Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 467-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 09/18/384/1266-сон



тўловчига етказилган зарар қиймати асосида тақдим этилиши мақсадга
тўғрисида ваколатли органнинг мувофиқдир.
(ташкилотнинг) эксперт хулосаси

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.21-бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

3. Zhang, T., & Zou, H. F. (1998). Fiscal decentralization, public spending, and economic growth in China. *Journal of public economics*, 67(2), 221-240.

4. Lin, J. Y., & Liu, Z. (2000). Fiscal decentralization and economic growth in China. *Economic development and cultural change*, 49(1), 1-21.

5. ¹ Xie, D., Zou, H. F., & Davoodi, H. (1999). Fiscal decentralization and economic growth in the United States. *Journal of Urban economics*, 45(2), 228-239.

6. ¹ Akai, N., & Sakata, M. (2002). Fiscal decentralization contributes to economic growth: evidence from state-level cross-section data for the United States. *Journal of urban economics*, 52(1), 93-108.

7. ¹ Akai, N., Hosoi, M., & Nishimura, Y. (2009). Fiscal decentralization and economic volatility: evidence from state-level cross-section data of the USA. *The Japanese Economic Review*, 60(2), 223-235.

8. ¹ Cantarero, D., & Gonzalez, P. P. (2009). Fiscal decentralization and economic growth: Evidence from Spanish regions. *Public Budgeting & Finance*, 29(4), 24-44.

9. ¹ Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-589-сон



Қонуни. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2019 й., 03/19/589/4126-сон) асосида муаллиф ишланмаси.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 281-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 467-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 09/18/384/1266-сон

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 ноябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ер солиғи ва ягона ер солиғи бўйича тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида" 951-сон Қарори. Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 467-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 09/18/384/1266-сон